

**Табиий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб беришининг  
НАМУНАВИЙ ШАРТНОМАСИ**

2022 йил "14" Январь

282-сон

Бухоро шахар

(шартнома имзоланган жой)

Низом асосида фаолият юритувчи (кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб аталади),

**Бухоро вилоят Мудофаа ишлари бошкармаси**

(бюджет ташкилотининг, хўжалик юритувчи субъектнинг номи)

раҳбари Р. Холметов бир томондан ҳамда Низом ва 20\_\_ йил "\_\_" да берилган \_\_-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи (газ таъминоти ташкилоти номи) (кейинги ўринларда "Етказиб берувчи" деб аталади)

**"HUDUDGAZT'AMINOT" АЖ "HUDUDGAZ BUXORO" Бухоро шахаргаз таъминот бўлими**

(газ етказиб берувчи корхонанинг номи)

раҳбари А.А. Ташабобев иккинчи томондан, куйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

**I. Шартнома мавзуси**

1.1. Етказиб берувчи ўз зиммасига газ тармоқлари оркали Истеъмолчининг келишилган буюртманомаси бўйича табиий газ етказиб бериш мажбуриятини олади, Истеъмолчи эса ўз зиммасига ушбу шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган табиий газ ҳажмини қабул қилиш мажбуриятини олади ҳамда тўловларни муддатида, белгиланган нарх бўйича амалга оширади.

1.2. Етказиб берувчи ушбу шартномага мувофиқ Истеъмолчидаги газдан фойдаланиш учун стандартланган ва сертификатланган газ ёниш қурилмалари ва жиҳозлари, шунингдек газни хисобга олиш приборлари мавжуд бўлганда газ таъминоти лойихаси асосида табиий газ етказиб беради.

1.3. Истеъмолчи Етказиб берувчига тасдиқланган меъёрларга (Табиий газдан фойдаланиш қоидаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга (ёки кўрсатилаётган хизмат) нисбатан келгуси йилда газга асосланган эҳтиёжни тақдим этади.

Истеъмолчи жорий йил 15 июль кунига қадар келгуси йилда истеъмол қилиниши таҳмин қилинаётган газ ҳажми бўйича буюртма беради.

1.4. Истеъмолчи билан келишилган буюртманома бўйича етказиб бериладиган табиий газ ҳажми техник шартларда белгиланган босим ва ҳажмда 2022 йил 1 чоракда 18340 куб метрни, нархи 12500000 (ўн икки миллион беш юз минг) сўмни ташкил этади, шу жумладан, чораклар ва ойлар бўйича куйидагича тақсимланади:

I чоракда	18340	минг куб. м,	Январда	6818,	февралда	7575,	марта	3947,
II чоракда	—	минг куб. м,	апрелда	—, майда	—, сентябрда	—, деқабрда	—, июнда	—.
III чоракда	—	минг куб. м,	июлда	—, августда	—, сентябрда	—, деқабрда	—, июнда	—.
IV чоракда	—	минг куб. м,	октябрда	—, ноябрда	—, деқабрда	—, июнда	—, июнда	—.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорида санаб ўтилган стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган Истеъмолчиларга Етказиб берувчи томонидан тўлиқ ҳажмда хизмат кўрсатиш учун магистрал ва газ тармоқларида авария ёки кутилмаган техник носозлик содир бўлган тақдирда, 2022 йил 1 чоракда зарур бўлган табиий газнинг минимал ҳажми 18340 куб метрни ташкил қиласди.

1.5. Агар Истеъмолчи ойлар бўйича бўлинган буюртманомани тақдим этмаса, у ҳолда Етказиб берувчи томонидан чорак учун ажратилган табиий газ ҳажми ойлар бўйича бир хил микдорда тақсимланади.

1.6. Истеъмолчининг таклифига кўра, мўлжалланайтган ўзгартиришларгача 10 кундан кечик масдан киритилган, газ етказиб бериш шартномасидаги ўзгартиришлар кейинги ой учун кайд қилинган газ бўйича ортиқча олинган деб хисобланмайди. Етказиб бериладиган газ ҳажмларига ўзгартиришлар факат олдиндан 100 фоиз тўлов тўланганда амалга оширилади.

**II. ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ**

2.1. Газни хисобга олмасдан етказиб беришга йўл кўйилмайди.

2.2. Етказиб берилган газ микдори газ тармоқлари бўлиниши чегарасида ўрнатилган хисоблаш приборлари кўрсаткичлари бўйича аникланади ҳамда ҳар икки томон имзолайдиган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Газ тармоғи бўлиниши чегараси Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги, тегишилиги бўйича аникланадиган газ тармоғи бўлиниши нуктаси хисобланади ва унда хисоблаш приборлари ўрнатилиши шарт.

Етказиб берилган газ учун хисоб-китоб газ ҳажмини стандарт шартларига кўра (ДСТ 5542-87 ва ДСТ 2939-63 1.1-бандига асосан) куб метрга, яъни  $T = 20^{\circ}\text{C}$ ,  $P = 760 \text{ mm}$  симоб устунига келтирилган ҳолда амалга оширилади.

Истеъмолчи томонидан газни тижорий хисобга олиш учун мўлжалланган торайтирувчи қурилмага эга ўлчов комплекси фойдаланилган тақдирда, Етказиб берувчи ва Бюро билан ҳамкорликда газни ёзги ва қиши мавсумларда истеъмол қилиш ҳажмидан келиб чиқиб, торайтирувчи ускуналарни ўз вақтида алмаштириш ва ўлчов комплекси ишини «Ўзстандарт» агентлиги талабларига мувофиқлаштириш таъминланиши лозим.

2.3. Газни сарфланишини хисоблашда куйидаги кўрсаткичлар инобатга олинади:

а) манометрлар ва термометрлар созлиги, уларнинг давлат текширувни амал қилиш муддати;

б) ГТШни юргизиш (тартибга солиш) муддати, шунингдек ҳакиқий ишчи босимнинг ГТШни тартибга солиш далолатномасида кайд этилган кўрсаткичларга мувофиқлиги.

Кайд этилган кўрсаткичларга риоя этилмаганда  $P_{\text{ортинча}} = 1,0 \text{ кгс}/\text{см}^2$  коэффициенти қўлланади

Етказиб берувчи Истеъмолчи билан биргаликда хисоблаш приборига, унинг сифат лабораторияси томонидан тақдим этиладиган газ таркиби бўйича тузатувчи ўзгартиришларни 12 соатдан кечиктирмасдан киритиши керак. Газ таркиби бўйича кўрсаткичларнинг ўз вактида ва ҳакконий киритилиши учун жавобгарлик Истеъмолчи зиммасида бўлади.

2.4. Газ сарфини хисоблаш прибори ҳажмини ўлчаш диапазони ўрнатилган газдан фойдаланиш ускуналари кувватига мувофиқ бўлиши лозим. Агар табиий газ хисобга олиш курилмаларининг техник тавсифида кўрсатилган ҳажмдан кам сарфланса, газ ҳажми ва сарфини хисобга олиш техник тавсифнинг пастки чегараси бўйича қабул қилинади. Бунда Истеъмолчи 15 кун мобайнода газ ҳажми бўйича унинг газ ускунасига тўғри келадиган бошқа газни хисоблаш приборини ўрнатишни ўз зиммасига олади.

Газни хисоблаш приборининг хатолиги приборнинг паспортида кўрсатилган хатолик чегарасига мос келиши лозим, бундай ҳолатларда газ сарфини хисобга олиш тизими ўзаро хисоб-китоблар учун яроқли хисобланади

Етказиб берувчи томонидан етказиб бериладиган газ ҳажмининг ишончлилигига таъсир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва хисоблаш приборларининг ишлаши бузилган ҳолатлар аниқланганда, Етказиб берувчи «Ўзстандарт» агентлиги бўлинмаларида ўлчов комплекслари ва газни хисоблаш приборларини экспертизадан ўтказишни талаб қилиш ҳукукига эга

Агар ўлчов комплекслари ва хисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан ўтказганлик учун тўловлар Истеъмолчи томонидан, соз ҳолатда бўлганда эса — Етказиб берувчи томонидан амалга оширилади.

2.6. Олинган газ учун хисоб-китоб, куйидаги ҳолларда тамгаланмаган газдан фойдаланиш ускунасининг 24 соат давомида ишлаб туриши хисоб-китобидан амалга оширилади:

а) газни хисоблаш приборисиз ёки уни четлаб ўтган ҳолда истеъмол қилиш;

б) газни хисоблаш приборини давлат қиёсловидан ўтказиш муддати тугаганда, бунда тегишли хисоб-китоб қиёслов муддати тугаган вактдан бошлаб у ўтказилгандан кейин газни хисоблаш приборини ўрнатиш вақтигача бўлган даврда;

в) носозлик, тамға бутлиги бузилиши, хисоблаш прибори ўзбошимчалик билан ечиб олинганлиги аниқланган ҳолатларда;

г) газ қувурлари ёки ГТШларда, газни таксимлаш тармокларини технологик иш режимини бузадиган курилмаларни ўрнатиш.

2.7. Хисоблаш прибори ишдан чиққанида истеъмолчига етказилган газ ҳажми тамғаланмаган газдан фойдаланиш ускунасининг энг юкори кувват билан ишлаб туришига нисбатан аниқланади, бирок, мазкур шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларида белгиланган талабларга риоя этилган тақдирда, бир чоракдан ортиқ бўлмаган муддатга қўлланади.

Хисоблаш прибори ишдан чиққанида, Истеъмолчи 24 соатдан кечиктирмасдан бу ҳакида Етказиб берувчига хабар бериши, шунингдек, корхонани ва газдан фойдаланувчи ускуна иш жадвалини тузиши ва ишдан чиққан газдан фойдаланувчи ускунани тамғалаб қўйиши шарт.

2.8. Хисоблаш приборларини ўрнатиш, фойдаланиш ва текшириш амалдаги меъёрлар ва қоидаларга асосан ўтказилади.

2.9. Табиий газни хисоблаш учун факат Ўзбекистон Республикаси ўлчов воситалари Давлат реестрига киритилган турдаги приборлардан фойдаланиш шарт.

2.10. Приборлар уларнинг фойдаланиши учун яроқли эканлигини тасдиқловчи ҳужжат, ишлаб чиқарувчи корхона томонидан белгиланган жойларда тегишли шаклдаги амал килувчи белгилар ва тамғаларга эга бўлиши шарт.

2.11. Хисоблаш приборларининг техник ҳолати, таъмирланиши ва ўз вактида давлат қиёсловидан ўтказилиши учун жавобгарлик хисоблаш прибори эгаси зиммасига юклатилади.

2.12. Хисоблаш приборларини киёслови Давлат метрология хизмати органлари томонидан «Метрология тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси конунига мувофиқ амалга оширилади.

2.13. Хисоблаш приборларини киёслов даврийлиги меъёрий-техник ҳужжатлар асосида белгиланади.

2.14. Хисоблаш приборига тамға ўрнатиш Бюронинг масъул ходимлари томонидан Етказиб берувчи вакиллари билан бирга далолатнома тузган ҳолда ҳамда Истеъмолчи иштирокида амалга оширилади.

2.15. Хисоблаш приборларининг, шу жумладан ўрнатилган тамғаларнинг сақланиши ва бутунлиги учун жавобгарлик Истеъмолчига юклатилади.

2.16. Хисоблаш прибори ўрнатилгандан кейин, Етказиб берувчи томонидан рўйхатга олинади.

2.17. Хисоблаш приборини алмаштириш, таъмирлаш, хизмат кўрсатиш, текшириш ва созлигини мониторинг килиш учун ечиб олиш Етказиб берувчи ва Бюро вакиллари томонидан Истеъмолчи иштирокида амалга оширилади.

2.18. Хисоблаш приборини алмаштириш учун ечиб олиш Истеъмолчининг аризаси асосида Етказиб берувчи вакиллари томонидан Бюро ходими иштирокида амалга оширилади.

2.19. Хисоблаш приборини текширув муддати тугаганлиги сабабли ечиб олиш Етказиб берувчи вакиллари томонидан Бюро ходимининг иштирокида текширув муддати тугашидан камида бир кун аввал амалга оширилади.

2.20. Хисоблаш приборини созлигини мониторинг килиш учун ечиб олиш Етказиб берувчи вакиллари томонидан Бюро талаби билан Истеъмолчи иштирокида амалга оширилади.

2.21. Мазкур шартноманинг 3.17-бандида кайд этилган ҳолатларда ечиб олинган хисоблаш приборини ўрнатиш учун Истеъмолчи сертификатда кўрсатилган кундан бошлаб икки кун ичидаги буюртма бериши лозим.3.22. Ушбу шартноманинг 3.17-бандида кўрсатилган ҳолатлар бўйича ечиб олинган хисоблаш приборини ўрнатиш Истеъмолчининг буюртмасига кўра икки кун ичидаги Етказиб берувчининг вакиллари томонидан амалга оширилиб, сўнг Бюронинг масъул ходимлари билан бирга тамғаланади.

2.23. Ушбу шартноманинг 3.20-бандида кўрсатилган ҳолатлар бўйича ечиб олинган ҳисоблаш прибори белгиланган талабларга мувофиқ бўлса, мониторинг тугаганидан сўнг кечиктирмасдан, дархол Етказиб берувчининг вакиллари томонидан ўрнатилиб, сўнг Бюронинг масъул ходимлари билан биргаликда тамғаланади.

Ҳисоблаш прибори белгиланган талабларга мувофиқ эмаслиги аникланган тақдирда, мулкдор номувофиқликларни бартараф этишни таъминлаши шарт, шундан сўнг 3.21 ва 3.22 — бандларга мувофиқ ўрнатиш амалга оширилади.

2.24. Ҳисоблаш приборини мониторинг килиш ёки текширув натижаларидан норози бўлган Истеъмолчи, белгиланган тартибда юкори турувчи орган ёки судга мурожаат килиши мумкин.

2.25. Шартноманинг ҳар икки томони белгиланган қонунчиликка мувофиқ, Бюронинг ваколатли ходимига сутканинг исталган вақтида ҳисоблаш приборларини монеликсиз кўздан кечириш учун кириш имкониятини таъминлаши шарт.

2.26. Бюро ходимини ҳисоблаш приборларига кўймаслик ҳолати далолатнома билан расмийлаштирилади. Истеъмолчи мазкур далолатнома билан танишиши лозим. Истеъмолчи далолатномани имзолашни рад этган ҳолатда, далолатномада бу ҳакда кайд этилади. Рад этиш ҳолати икки гувоҳ ёки фукароларни ўз-ўзини бошқариш органи вакили томонидан тасдиқланиши керак. Истеъмолчи далолатномани имзолашни рад этиш сабабини баён қилиш хукукига эга, бу ҳакида далолатномага кайд этилади.

Далолатномага имзо кўйишни рад этиш Истеъмолчини газ тармоғидан узиб кўйиш учун асос бўлади ва бу ҳакида огоҳлантирилиши шарт.

### **III. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ҲИСОБ-КИТОБНИ АМАЛГА ОШИРИШ**

3.1. Истеъмолчи мазкур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тўловни амалга ошириши шарт.

3.2. Газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ белгиланади. Навбатдаги ой (чорак) учун кўрсатилган табиий газ ҳажмлари бўйича табиий газ етказиб бериш тўғрисидаги шартнома ўзгартирилишидан олдин истеъмолчи газ таъминоти ташкилотига бу ҳакида ўн кундан кечикмай хабар берган тақдирда, бундай ҳолатлар ортиқча олинган микдор деб ҳисобланмайди.

3.3. Истеъмолчи ҳисоб-китоб қилиш даври бошланишидан камида 5 кун олдин Етказиб берувчи ҳисоб рақамига ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларида кўрсатилган ойлик газ ҳажми қийматининг 100 фоиз суммасини олдиндан тўлайди;

3.4. Истеъмолчига газ олдиндан тўловсиз етказиб берилмайди.

3.5. Олдиндан тўлов амалга оширилмаган тақдирда, Истеъмолчига газ етказиб берилмайди (стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга истеъмолчилар бундан мустасно).

3.6. Истеъмолчи ҳар ойнинг 10 санасига кадар аввалги ойда истеъмол қилинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга ошириши керак.

3.7. Стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчилар ҳисоб-китоб қилиш ойи тугагандан кейин 30 кун мобайнida олинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга оширадилар.

3.8. Табиий газдан фойдаланишда истеъмолчининг айби билан табиий газ етказиб беришга шартномада кўрсатилганидан ҳажмдан кам фойдаланилган тақдирда, аванс тарзида тўланган маблағлар кайтарилмайди, кўрсатиб ўтилган маблағлар эса келгусида газдан фойдаланишда ҳисобга олинади.

3.9. Истеъмолчи томонидан табиий газ етказиб бериш учун тузилган шартномада белгиланганидан кўп ҳажмда ва газ таъминоти ташкилоти билан олдиндан келишилмасдан газ олинган тақдирда, истеъмолчидан шартномадаги ҳажмлардан ортиқча олинган табиий газ қийматига нисбатан 2 коэффициент билан оширилган тўлов ундирилади.

3.10. Табиий газ учун истеъмолчининг тўлов муддати ўтган карзи мавжуд бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари истеъмолчини хабардор қилган холда, тўлов муддати ўтган карзни тўлашга йўналтирилади ва аванс тўлови сифатида ҳисобга олинмайди.

3.11. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ қиймати ўз вақтида тўланмаганда, Истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган микдорда пена тўлайди.

3.12. Ҳисоб-китоб ойида етказиб берилган табиий газ ҳажми Бюро вакиллари томонидан табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборидан кўрсаткичларни ёзиб олиш (ТГХНАТра уланган, шунингдек, табиий газни истеъмол қилишни ҳисобга олиш приборларига эга бўлмаган ва белгиланган меъёрлар бўйича ҳисоб-китоб киладиган истеъмолчилар бундан мустасно) асосида, кейинчалик ёзиб олинган кўрсаткичлар биллинг тизимига киритиш, шунингдек, истеъмолчилар томонидан табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини интерактив хизматлар воситаларига киритиш оркали аникланади.

3.13. Шартноманинг 4.12-бандига асосан кўрсаткич ечиб олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5 кунига қадар Етказиб берувчи томонидан ҳисоб-китоб ойи учун газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси ва счет-фактура расмийлаштирилади.

3.14. Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасида ҳисоблаш ҳакконийлигини таъминлаш учун ҳисбот даврида Газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси Истеъмолчида қуйидаги техник хужжатлар мавжуд бўлганда расмийлаштирилади:

а) автоматик тарзда тўғриланадиган газни ҳисоблаш приборидан ҳисбот даври учун олинган (кўчирма) архив маълумотлари;

б) Етказиб берувчи томонидан белгиланган тартибда хисобланган, Истеъмолчи газ тармоклари ва ГТШдаги технологик йўқотишларнинг хисобланган ҳажми кўрсатилган холда расмийлаштирилган далолатнома.

3.15. Кўрсаткичлар олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5-кунига қадар Етказиб берувчи томонидан ҳисоб-китоб ойи учун газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномаси ва счет-фактура расмийлаштирилади.

3.16. Истеъмолчи ойнинг 7 кунидан кечиктиримасдан Етказиб берувчидан хисоб-китоб ойи учун газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини ва счет-фактурани қабул қилиб олади ва имзолайди ҳамда бир нусхасини Етказиб берувчига жўнатади.

3.17. Табиий газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасини имзоламаслик ёки уни эътиrozлар билан имзолаш Истеъмолчини кўрсатиб ўтилган табиий газ ҳажмлари учун тўловлардан озод қилмайди. Узатилган ёки қабул қилинган газ микдорини аниклашдан норози бўлган томон далолатномада норозилик сабабларини мажбурий акс эттириш йўли билан ҳисоб-китоб қилиш ойи тугагандан кейин 10-кунгача бошка томонга бу тўғрида маълум қилиб, сўнг далолатноманинг бир нусхасини Бюро вакилига тақдим қиласди. Ушбу масалани ўзаро ҳал этиш имконияти бўлмагандан, келишмовчилик сабаблари белгиланган тартибда кўриб чиқилиши керак.

3.18. Истеъмолчидан дебитор карзларни ундириш Бюро тузилмаси томонидан конунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.19. Газ узиб қўйилганидан сўнг ўзбошимчалик билан қайта уланганда, истеъмол қилинган газ ҳажми ва унинг қиймати газ узиб қўйилган кундан бошлаб, уланган газдан фойдаланиш ускунасининг бир суткада 24 соат ичидаги тўлиқ қувват билан ишлаб туриши ҳисобидан аникланади.

3.20. Газ учун амалдаги тарифлар (нархлар) ўзгарган ҳолатда, Етказиб берувчи бу ҳақидаги ахборотни ўн беш кун олдин оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қиласди. Газ учун тарифлар ўзгарганида, мазкур Шартнома ўз кучида қолади, истеъмол қилинган газ учун тўлов эса янги тариф асосида, у конунда белгиланган тартибда кучга кирганидан сўнг амалга оширилади.

#### **IV. ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН НОҚОНУНИЙ ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК**

4.1. Газдан фойдаланишда Истеъмолчи томонидан 3.6-бандда кўрсатиб ўтилган хукуқбузарликларга йўл қўйилиши, Бюронинг Етказиб берувчи ва Истеъмолчи вакиллари томонидан имзоланадиган ва уч нусхада тузиладиган далолатномаси билан расмийлаштирилади.

4.2. Ушбу шартноманинг 5.1-бандига асосан расмийлаштирилган далолатномага мувофиқ Истеъмолчидан, Етказиб берувчи ёки Бюро вакилининг сўнгти кўздан кечириш кунидан бошлаб, фойдаланган газ ҳажми қиймати (амалдаги тарифлар бўйича) ундирилади.

4.3. Бунда мазкур шартноманинг 5.2-бандида кўрсатилган ҳолатларда газ ҳажми қийматининг ундирилиши Истеъмолчини конунчиликда белгиланган жавобгарликдан озод қилмайди.

#### **V. ТАРМОҚДАН УЗИБ ҚЎЙИШ ВА ҚАЙТА УЛANIШ ТАРТИБИ**

5.1. Истеъмолчи газ тармокларидан қўйидаги ҳолатларда узиб қўйилади:

шартномавий мажбуриятлар бажарилмаганда;

фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоб ўз вактида амалга оширилмаганлиги натижасида карздорлик мавжуд бўлганда;

Бюро кўрсатмалари бажарилмаганда, шу жумладан унинг вакиллари хисоблаш приборларидан кўрсаткични олишга қўйилмаганда;

хисоблаш приборларига қасдан заарар етказилганда, прибор кўрсатгичларини ўзgartириш мақсадида уларнинг ишлашига тўскиниллик килувчи хатти-харакатлар амалга оширилган ҳолатларда;

газни талон-тарож қилиш, газ тармокларига ноконуний уланиш ёки бошка газдан фойдаланиш коидаларини бузиш ҳолатлари аникланганда.

5.2. Тармокка қайта уланишда Истеъмолчидан энг кам иш ҳакининг ўн баравари микдорида ҳақ ундирилади.

6.3. Газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимларига уланган газ тармокларига истеъмолчиларни масофадан қайта улаш учун ҳақ ундирилмайди.

#### **VI. ТАРАФЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

6.1. Етказиб берувчи куйидагиларга мажбур:

ўзига карашли бўлган газ тармокларини соз ҳолатда саклаш ва уларни ўз хисобидан таъмирлаш-тиклаш;

ўз газ тармокларининг техник ҳолатини ва уларда рухсатсиз уланишларни аниклаш учун даврий кўздан кечириш;

табиий газ етказиб бериш кискарсан ёки тўхтаган тақдирда бу тўғрида истеъмолчиларни хабардор қилиш;

табиий газнинг рухсатсиз истеъмол қилинганлиги, газ тармоклари моддий бойликларининг талон-тарож қилинганлиги тўғрисида Бюро ва бошка хуқуқни муҳофаза қилиш органларини хабардор қилиш;

Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасида келишилган шартлар асосида газ етказиб бериш;

истеъмолчиларга йўрикномалар бериш ва хонада ўрнатилган газ приборларидан хавфсиз фойдаланиш масалалари бўйича эслатмани топшириш;

Бюро ва ваколатли давлат органларининг мажбурий кўрсатмаларини бажариш;

Истеъмолчиларнинг ички газ тармоклари, газдан фойдаланувчи ускуналарини техник тафтишдан ўтказиш ва уларга профилактика хизмати кўрсатиш;

истеъмолчиларни техњик хизмат кўрсатиш (тафтиш ўтказиш) саналари ҳақида турар жойлар йўлакларида эълонлар ёки бошка мавжуд усууллар орқали камида уч сутка аввал огоҳлантириш;

газдан фойдаланиш ускуналарини истеъмолчиларнинг ёзма ёки электрон буюртмалари асосида нархларни тартибга солиш органи томонидан тасдикланган тарифлар бўйича қуидаги муддатларда таъмиглаш:

табиий газ сизиб чиқишида — дархол;

овқат тайёрлаш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида — бир кун давомида;

иситиш мавсумида иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида — бир кун давомида;

иссик сув ва иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида (иситиш мавсумидан ташкари вактда) — икки кун давомида;

газдан фойдаланиш ускуналарини алмаштиришда — беш кун давомида.

Етказиб берувчи конунчиликка мувофик бошка мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### 6.2. Етказиб берувчи қуидаги хуқукларга эга:

техник заруратга кўра, истеъмолчини белгиланган тартибда хабардор килган ҳолда, табиий газни етказиб беришни кискартириш ёки тўхтатиш;

газ таъминоти тармокларига рухсатсиз уланиш ҳолатлари аникланганда уларни газ тармоғидан узиб қўйиш;

Истеъмолчилардан табиий газдан фойдаланиш қоидалари ва газни етказиб бериш шартномаси талабларига риоя этишини талаб килиш;

табиий газни етказиб бериш шартномасини қонун хужжатларига мувофик бир томонлама бекор қилиш;

газ тармокларида авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечиқтириб бўлмайдиган чораларни кўриш зарурати юзага келганда, истеъмолчи билан келишмасдан ва уни огоҳлантирмасдан ҳамда зудлик билан хабардор килган ҳолда, табиий газни етказиб беришни тўхтатиш ёки чеклаш;

ушбу шартноманинг 3.6-бандида назарда тутилган ҳолатларда, аникланган қоидабузарликлар бартараф этилгунига кадар аввалдан огоҳлантирмаган ҳолда газ етказиб беришни тўхтатиш.

#### 6.3. Истеъмолчи қуидагиларга мажбур:

газдан оқилона ва самарали фойдаланиш;

газ хўжалиги газ қувурлари ва ускуналарини техник жиҳатдан соз ҳолатда саклаш;

газ тармокларида ёки газдан фойдаланиш ускунасида вужудга келган табиий газ сизиб чиқиши ҳолати ҳакида газ таъминоти ташкилоти диспетчерлик хизматларини зудлик билан хабардор килиш;

ўзининг газ тармоклари дахлсизлигини таъминлаш ва эҳтимоли бўлган рухсатсиз уланишларни аниклаш мақсадида уларни ва улардаги ускуналарни мунтазам равиша қўздан кечириб чиқиш;

газ таъминоти ташкилотлари газ тармокларига сертификатланмаган, газлаштириш лойихасига (ЛТХ) мувофик бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасининг уланишига йўл қўймаслик;

Бюро ва газ таъминоти ташкилоти вакилларининг (тегишли гувоҳнома кўрсатилган тақдирда) табиий газни истеъмол килишни хисобга олиш приборларини ва/ёки газдан фойдаланиш ускунасини куннинг исталган вақтида эркин қўздан кечиришини таъминлаш;

газдан фойдаланиш ускунасидаги носозликларни (бундай турдаги ишларни бажариш хуқуқига эга бўлган ихтисослаштирилган бригадалар ёки ходим ёрдамида) бартараф этиш;

табиий газ истеъмолини хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўскинилк килувчи харакатларни амалга оширмаслик, уларнинг касдан бузилишига йўл қўймаслик ва ўрнатилган тамгаларнинг бутунлигини таъминлаш;

табиий газ истеъмолини хисобга олиш приборлари ишидаги носозлик аникланган тақдирда, газ таъминоти ташкилотини ўзи учун қулай шаклда дархол хабардор килиш.

#### 6.4. Истеъмолчи Етказиб берувчидан қуидагиларни талаб қилиш хуқуқига эга:

етказиб берилган табиий газнинг аникланган ҳажмига ва бошка параметрларга норози бўлган тақдирда, газ етказиб берувчининг табиий газни истеъмолини хисобга олиш приборлари ишлашининг ишончлилигини текшириш учун комиссия ташкил этиш;

табиий газнинг стандартлаштириш бўйича норматив хужжатларда кўзда тутилган сифатда ва етказиб бериш режимига риоя килган ҳолда узатилиши;

табиий газни етказиб бериш шартномаси бекор қилинганда, фойдаланилмаган газ ҳажми учун тўланган суммани кайтариш;

табиий газни етказиб бериш шартномасини қонун хужжатларига мувофик бир томонлама бекор қилиш;

табиий газни етказиб бериш тўхтатилганда, зарарни коплашни талаб қилиш;

газ етказиб беришни вактинча тўхтатишни.

Истеъмолчи конунчилик хужжатларida белгиланган бошка хуқукларга эга бўлиши мумкин.

### VII. ТАРАФЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Етказиб берувчи Иsteъmolchiga газ етказиб бериш шартномасига асосан газ етказиб берилмаган ёки тўлиқ етказиб берилмаганлиги оқибатида етказилган аниқ зарар ва бой берилган фойдасини белгиланган тартибда қоплайди.

Етказиб берувчи газни етказиб бермаганлик ёки тўлиқ етказиб бермаганлик учун қуидаги холларда жавобгар хисобланмайди:

а) истеъмолчи томонидан газ таъминоти тармокларига қўшимча газдан фойдаланиш ускунасини рухсатсиз улаш ҳолати аникланганда;

- б) захира ёкилгига ўтиш талаблари бажарилмаганда;
- в) фойдаланилган газ учун тўлов амалга оширилмаганда;
- г) конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда.

8.2. Етказиб берувчи томонидан шартнома мажбуриятларининг бажармаслиги натижасида Истемолчига моддий зарар етказилганда, етказиб берувчининг мансабдор шахсига нисбатан энг кам иш хақининг ўн беш баравари миқдорида жарима қўлланади.

7.3. Шартномада кўрсатилган ҳажмдан кам ҳажмда газ етказиб берилган тақдирда, Етказиб берувчига нисбатан «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни асосида жарима санкциялари қўлланилади, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

- а) форс-мажор ҳолатлар;
- б) магистрал ва газ тармокларида авария ҳолатлари;
- в) киши даврида вақтинча газ етказиб беришни чеклаш (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сон ва 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари қарорлари билан тасдиқланган газ етказиб бериш тармоғидан узуб қўйилмайдиган объектлар рўйхатига киритилган корхоналардан ташқари);
- г) қабул қилинган шартнома мажбуриятларининг Истемолчи томонидан бажарилмаслиги.

7.4. Етказиб берилган табиий газнинг сифати шартнома ёки норматив ҳужжатлар талабларига мос келмаганда, Истемолчи газ қабул килиш ёки унинг учун ҳақ тўлашни рад этганда Етказиб берувчидан етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган газ ҳажми қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлашни талаб қилиш хукукига эга. Агар, газ қиймати тўланган бўлса, Истемолчи Етказиб берувчидан белгиланган тартибда тўланган суммани қайташишни талаб қилиш хукукига эга.

7.5. Етказиб берувчи томонидан шартномада кўрсатилган ҳажмлардан кам газ етказиб берилганда, Етказиб берувчи Истемолчига муддати ўтган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган суммасининг 0,5 фоизи миқдорида, бирор етказиб берилмаган газ қийматининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пея тўлайди.

7.6. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ ҳаки ўз вактида тўланмаган тақдирда, Истемолчи муддати ўтган ҳар бир кун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,5 фоизи миқдорида, бирор муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пея тўлайди.

## VIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар юзага келган тақдирда томонлар коидага кўра, уларни судгача ҳал этиш чораларини қўрадилар.

Келишмовчиликлар ва низоли масалаларни ҳал этиш учун тарафлар белгиланган тартибда судга мурожаат қилишга ҳаклиди.

8.2. Шартнома шартларини бир томонлама рад этиш ва бир томонлама ўзгаришишга йўл қўйилмайди, конунда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

## IX. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

9.1. Томонлар:

- а) табиий оғатлар;
- б) магистрал газ кувурларида ва газ тармокларида, газни қайта ишлаш корхоналари ва газ қазиб чиқариш жойларида кутилмаган авария вазиятлари юзага келганда жавобгарликка жалб этилмасдан, газ етказиб беришни тўхтатиш, кисқартириш ёки қабул қилиш хукукига эга.

9.2. Форс-мажор ҳолатлар юзага келган тақдирда, тарафлар ҳар қандай алоқа воситаси ёрдамида бир-бирини хабардор қилиши керак.

9.3. Агар, кўрсатилган ҳолатлар 90 кундан ортиқ кун мобайнида сакланиб турса, томонлар музокаралар йўли билан шартномани келгусида бажариш тўғрисидаги қарор қабул киладилар.

## X. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

10.1. Ушбу шартномага ўзгаришиш ва кўшимчалар ёзма равиша расмийлаштирилиши ҳамда тарафлар томонидан имзоланиши керак.

10.2. Бюджет ташкилотлари учун шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сон карорига асосан Фазначилик бўлими томонидан мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради.

10.3. Шартнома 2022 йил 31 декабргача бўлган муддатга тузилган. Шартноманинг муддати тугагандан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисидаги талаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган хисобланади.

Бюджет ташкилотлари учун шартнома бир йилга тузилади, шартноманинг муддати тугагандан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисидаги талаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган хисобланади. Бюджетдан маблаг олувчилар ҳар йили «2022 йил 31 декабрь санасига» амал қилишлари лозим.

10.4. Томонларнинг ушбу шартнома бўйича даъволари даъво қабул қилинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида кўриб чиқилади.

Томонлар ўртасидаги ўзаро келишувга асосан ҳал этилмаган низолар жавобгарнинг жойлашган жойидаги Иқтисодий суд томонидан ҳал қилинади.

## XI. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

11.1. Мазкур шартнома томонларнинг ўзаро келишуви бўйича ёки шартнома қоидалари жиддий бузилган тақдирда, бир томонлама тартибда ёхуд суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

11.2. Ушбу шартнома томонларнинг ҳар бири учун икки нусхада тузилган, ҳар иккала нусха бир хил юридик кучга эга.

## XII. Томонларнинг банк реквизитлари ва манзили:

### ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ “HUDUDGAZ BUXORO”

Бухоро шаҳаргаз таъминот бўлими  
(газ таъминоти ташкилотининг номи)

Манзили: Бухоро ш. Х.Т.Бухорий кўч.12  
Тел./факс: 2234119  
x/р; 22634000505113960330  
Банк: «Узсаноаткурилишбанки» Тошкент ш.  
МФО: 00435  
СТИРи: 306605769  
ОКЭД:35220

Рахбар:



M. Ў.

### ИСТЕММОЛЧИ

Бухоро вилояти Мудофаа ишлари бошкармаси

(бюджет ташкилотлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг номи)

Манзили: Бухоро ш. Б.Накшбанд-151  
Тел./факс: 2238375. 2235295. 2232017  
ш/х : 100021860064017021102172001  
бюджетдан маблаг олувчи СТИРи: 201513050  
ОКОНХ: 84220  
Газначилик бўлинмаси номи: Бухоро вилояти бўйича  
Газначилик бошкармаси  
Фазна х/в: 23402000300100001010  
Банкнинг номи: Тошкент шаҳар Марказий  
банкнинг ХККМ  
МФО: 000014  
Газначилик бўлинмаси СТИРи: 201122919

Рахбар

Р. Ходметов



Юридик маслаҳатчининг хуносаси:

Руслан Г. Г

(Ф.И.О.)

Мансур

(имзо, муҳр)

(сана)